

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

33-сон
(117)
2004 й.
август

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

370. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 августдаги 397-сон қарори
371. «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг товарларни қайта ишлаш билан боғлиқ қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 августдаги 398-сон қарори
372. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш шартлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 августдаги 399-сон қарори
373. «Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари уюшмаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 18 августдаги 400-сон қарори
374. «Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида» 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 18 августдаги 401-сон қарори

375. «Файз» холдинг компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 августдаги 403-сон қарори

Бешинчи бўлим

376. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сертификатланиши мажбурий бўлган товар (маҳсулот)ларни олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 28 июлдаги 10/8, 01-02/16-31-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 августда 901-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

377. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш), юридик шахсларга хорижий ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2004 йил 4 августдаги 81-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 августда 1398-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

378. «Барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикасида қайта ишлаш (замонавийлаштириш), ишлаб чиқариш ва чет элдан олиб кириш учун радичастота полосалари (номиналлар) ажратиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 19 июлдаги 209-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 августда 1399-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

379. «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 2 августдаги 271-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 августда 1400-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 14 августдан 20 августгача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

370 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 январдаги 33-сон ҳамда «Ўзкимё-саноат» давлат-акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2004 йил 31 мартдаги 154-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 16 август,
397-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 16 августдаги 397-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 1 февралдаги 63-сон қароридаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 8-модда) 10 ва 11-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган ҳамда товар ишлаб чиқарувчиларга «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари орқали сотиладиган минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларига, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази томонидан бажариладиган қишлоқ хўжалиги корхоналарига агрокимёвий хизматлар кўрсатиш бўйича хизматлар ва ишларга нарх белгилаш нормаларининг асосланганлиги ва уларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

11. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

корхоналари, шу жумладан қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасини Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарори билан тасдиқланган тартибга мувофиқ лизинг бўйича сотиб олиш ҳуқуқи берилсин».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 2-модда) 4-бандида:

биринчи хатбошидаги «Ўзқишлоқхўжаликкимё» сўзи «Ўзкимёсаноат» сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Ўзқишлоқхўжаликкимё» компаниясининг фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий воситалар билан таъминлаш омбори» сўзлари «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий воситалар билан таъминлаш омбори» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси пиллачилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 апрелдаги 118-сон қарорининг 5-банди куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳар йили пилла етиштирувчи корхоналарга тут дарахтлари зараркунандаси «тут парвонаси»-га қарши кураш воситаларини «Ўзбек ипаги» уюшмаси билан биргаликдаги ҳисобкитоблар асосида аниқланадиган ҳажмда ажратишни назарда тутсин».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «2003—2007 йиллар даврида Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарор ривожлантирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 1 августдаги 276-сон қарорининг 4-бандида «Ўзқишлоқхўжаликкимё» сўзи «Ўзкимёсаноат» сўзи билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва уларнинг таркибини ўзгартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 8 октябрдаги 347-сон қарорида:

3-иловадаги 1—6-сатрлар «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бўлимидан 196—201-сатрлар билан «Худудий бўйсунишдаги корхоналар» бўлимига ўтказилсин;

4-иловадаги 45-сатр «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бўлимидан 48-сатр билан «Худудий бўйсунишдаги корхоналар» бўлимига ўтказилсин, «Бажариш учун масъуллар» устунидан «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси» сўзлари чиқариб ташлансин;

5-иловага «Худудий бўйсунишдаги корхоналар» бўлими қўшилсин, 26 ва 28-сатрлар «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бўлимидан 1 ва 2-сатрлар билан «Худудий бўйсунишдаги корхоналар» бўлимига ўтказилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорида:

1-иловадаги 11-15-сатрлар «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бўлимидан 1392—1396-сатрлар билан «Бошқалар» бўлимига ўтказилсин;

2-иловадаги 7-сатр чиқариб ташлансин;

3-иловадаги «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бўлимида 1-сатрдаги «25%» рақами ҳамда 2, 3-сатрлардаги «26%» рақами «Давлат тасарруфида қолдириладиган давлат улуши миқдори» 6-устунидан тегишли равишда «Акциядор-

лик компанияси, давлат-акциядорлик компанияси ва холдинг компаниялари устав фондига бериладиган давлат улуши миқдори» 5-устунига ўтказилсин;

4-иловадаги 3, 7, 8-сатрлар «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бўлимидан 645, 646, 647-сатрлар билан «Бошқалар» бўлимига ўтказилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган 2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастурида, III бўлимда, «Масъул бажарувчилар» устунда 3.1, 3.2, 3.4-кичик бандларда, «Тадбирлар номи», «Масъул бажарувчилар» устунларида 3.3-кичик бандда «Ўзқишлоқхўжаликкимё» сўзи «Ўзкимёсаноат» компаниясининг «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2003 йил 27 декабрдаги 574-сон қарорига 1-иловада «Ўзқишлоқхўжаликкимё» сўзи чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Чигит экиш учун агротехника тадбирларини ўтказиш чора-тадбирлари ва 2004 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида» 2003 йил 30 декабрдаги 578-сон қарори 6-бандининг тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«пахта етиштирувчи хўжаликларга тузилган шартномалар бўйича минерал ўғитларни ўз вақтида етказиб бериш юзасидан жавобгарлик — «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига, кимёлаштириш воситаларини ўз вақтида етказиб бериш юзасидан жавобгарлик — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш марказига».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

371 Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг товарларни қайта ишлаш билан боғлиқ қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг товарларни қайта ишлаш масалаларига оид қоидалари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 30-31-моддалари қоидаларига мувофиқ:

қайта ишлашнинг божхона режимларига жойлаштириладиган товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишишга;

божхона ҳудудидан ташқарида товарларни қайта ишлашнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беришга;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига айрим товарларга нисбатан қайта ишлашнинг божхона режимидан фойдаланишга чекловларга доир таклифлар киритишга вакил қилинсин.

2. Белгилансинки, агар товарлар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари: товарларни қайта ишлаш тижорат хусусиятига эга бўлмаган; товарларни таъмирлаш қайта ишлашнинг мақсади ҳисобланган; бир контракт бўйича қайта ишланадиган товарларнинг божхона қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваридан ошмаган ҳолларда айна бир божхона органига тақдим этилганда қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асослари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан келишилиши талаб этилмайди.
3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда Товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш ва божхона ҳудудидан ташқарида товарларни қайта ишлашнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулосалар бериш тартиби ҳақидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда: амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар; вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 17 август,
398-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

372 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш шартлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси қоидаларини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш шартларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин. Мазкур Қоидалар 2004 йил 15 сентябрдан бошлаб амалга киритилсин.
2. Белгилансинки, 2004 йил 15 сентябрдан бошлаб товарларни четдан вақтинчалик олиб келиш режимига қўйиш ҳар бир тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган календарь ой

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

учун божхона божлари ва солиқлари суммасининг 5 фоизи миқдорида даврий божхона тўловлари тўлаган ҳолда амалга оширилади, ушбу тўловлар четдан вақтинчалик олиб келинган товарлар улар божхонада расмийлаштирилган кунда эркин муомала учун чиқариш божхона режимига қўйилган тақдирда тўланади.

2004 йил 15 сентябргача Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига четдан вақтинчалик олиб келиш режимига божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод қилган ҳолда қўйилган товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан уларни четдан вақтинчалик олиб келиш муддати тугагунгача божхона органлари томонидан божхона декларацияси ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган кунда амалда бўлган четдан вақтинчалик олиб келишнинг божхона режими шартлари сақланиб қолади.

3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган қўйидаги товарлар четдан вақтинчалик олиб келиш режимига қўйилмайди:

Ўзбекистон Республикасига ва у орқали четдан келтириш ҳамда транзит бўйича келтириш тақиқланган товарлар;

чиқиндилар;

электр энергияси, сув, қувурлар орқали товарлар (нефть, газ) етказиб бериш, шунингдек ёқилғи;

четдан келтирилиши квоталанадиган товарлар;

сарфланадиган материаллар ва сарфланадиган намуналар, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар;

Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахслари томонидан четдан олиб келинадиган автотранспорт воситалари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллардан ташқари.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 17 август,
399-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 17 августдаги 399-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш қоидалари

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш шартларини белгилайди.

2. Четдан вақтинчалик олиб келиш режимига қўйиладиган товарлар ва транспорт воситалари ўзгаришсиз ҳолатда қайтарилиши керак, ташиш, сақлаш ва фой-

даланишнинг нормал шароитларида табиий равишда эскириш ёхуд камайиш оқиба-тидаги ўзгаришлардан ташқари.

3. Четдан вақтинчалик олиб келишга уларни қайта олиб кетишда товарлар ва транспорт воситалари божхона органи томонидан идентификациялаш мумкин бўлган тақдирда йўл қўйилади.

4. Четдан вақтинчалик олиб келинган товарлардан божхона органларининг четдан вақтинчалик олиб келишга рухсатномасини олган шахс фойдаланиши мумкин. Божхона органининг рухсатномаси билан четдан вақтинчалик олиб келинган товарларни четдан вақтинчалик олиб келишнинг божхона режими шартларига риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган бошқа шахсга беришга йўл қўйилади.

II. Четдан вақтинчалик олиб келинадиган товарлар ва транспорт воситаларини божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод қилиш шартлари

5. Божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод қилиш қўйидаги товарлар четдан вақтинчалик олиб келинган ҳолларда амалга оширилади:

а) хорижий давлатлар дипломатик ва консуллик ваколатхоналарининг ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш учун четдан олиб келинадиган, шунингдек ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик агентлари ҳамда маъмурий-техник ходими ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган уларнинг оила аъзолари томонидан шахсий фойдаланиш учун олиб келинадиган товарлар.

Бундай товарларни четдан вақтинчалик олиб келишга юқорида кўрсатилган ваколатхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси органлари томонидан вакил қилинган шахслар аккредитация қилинган муддатга рухсат этилади ва ушбу муддат уларнинг аккредитация муддатлари узайтирилишидан келиб чиққан ҳолда узайтирилади;

б) шахсий эҳтиёжларни қондириш учун хорижий фуқаролар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан олиб келинган товарлар.

Автотранспорт воситалари ушбу кичик банднинг биринчи хатбошига мувофиқ четдан вақтинчалик олиб келинган тақдирда божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод қилиш уч ойгача бўлган муддатга берилади. Кўрсатилган муддат тугагач уларга четдан вақтинчалик олиб келишнинг бундан кейинги муддати учун даврий божхона тўловлари қўлланади;

в) технология асбоб-ускуналари, уларга эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар;

г) транспорт воситалари, уларга эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан одамлар ва юкларни халқаро ташувларда фойдаланиладиган контейнерлар, поддонлар ва кўп марталаб ишлатиладиган идишлар ва упаковкаларнинг бошқа турлари.

Кўрсатилган транспорт воситалари хорижий давлатда рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак ва хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари томонидан олиб келинади.

Кўрсатиб ўтилган транспорт воситалари, уларга эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, кўп марталаб ишлатиладиган идишлар ва упаковкаларнинг бошқа турларини четдан вақтинчалик олиб келишни божхона

божлари ва солиқлардан тўлиқ озод қилиш транспорт операцияларини амалга ошириш муддатига, лекин транспорт воситалари, уларга эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари учун — бир ойдан кўп бўлмаган муддатга ҳамда кўп марталиб ишлатиладиган идишлар ва упаковклар учун — уч ойдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

Четдан вақтинчалик олиб келиш муддати ўтгач кўрсатиб ўтилган транспорт воситалари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан чиқариб кетилиши ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача божхона режимига қўйилиши керак;

д) четдан вақтинчалик олиб келиниши мақсадини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида ушбу Қоидаларга иловага мувофиқ рўйхат бўйича товарлар. Тақдим этиладиган ҳужжатларга талаблар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

Ушбу Қоидаларга иловада кўрсатилган товарларни четдан вақтинчалик олиб келишга божхона божлари ва солиқлардан бир йил муддатга тўлиқ озод қилган ҳолда рухсат этилади. Ушбу муддат тугагач кўрсатиб ўтилган товарларга четдан вақтинчалик олиб келишнинг бундан кейинги муддатига даврий божхона тўловлари қўлланади;

е) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод қилиш назарда тутилган товарлар.

III. Четдан вақтинчалик олиб келинган товарларга даврий божхона тўловларини қўлланиш тартиби

6. Ушбу Қоидаларнинг 5-бандида кўрсатилмаган товарлар четдан вақтинчалик олиб келинган тақдирда уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасига четдан вақтинчалик олиб келиш режимида олиб келинган вақтдан бошлаб божхона божлари ва солиқлар тўлашдан қисман озод қилиш қўлланади. Божхона божлари ва солиқлар тўлашдан қисман озод қилинган тақдирда даврий божхона тўловлари ундирилади.

7. Даврий божхона тўловлари:

товарларнинг четдан вақтинчалик олиб келиш режимида турган ҳар бир тўлиқ ва нотўлиқ календарь ой учун божхона божлари ва солиқлар суммасининг 5 фоизи миқдорида, эркин муомаладаги валютада ҳисоблаб ёзилади, улар ушбу товарлар божхона режимида турганда уларнинг четдан вақтинчалик олиб келиш режимида божхона расмийлаштириш кунда эркин муомала учун чиқаришнинг божхона режимига қўйилганда тўланиши мумкин;

миллий валютада — сўмда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан уларни тўлаш кунда белгиланган курс бўйича тўланади;

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади.

Даврий божхона тўловлари товарлар четдан вақтинчалик олиб келишнинг божхона режимига қўйилганда четдан вақтинчалик олиб келишнинг бутун даври учун тўлиқ ёки четдан олиб келишга рухсатнома олган шахснинг танлаши бўйича даврий тўланади. Кўрсатиб ўтилган тўловларни даврий тўлаш четдан олиб келишга рухсатнома олган шахс томонидан, божхона органининг тўлов тартиби тўғрисидаги билдиришномаси билан белгиланади. Даврий божхона тўловларини тўлаш тегишли давр бошлангунгача амалга оширилиши керак.

Ундириладиган даврий божхона тўловларининг умумий суммаси четдан вақтинчалик олиб келиш режимида божхонада расмийлаштириш кунда эркин муомала (импорт) учун чиқаришнинг божхона режимида ушбу товарларни расмийлаштиришда тўлаш мумкин бўлган божхона божлари ва солиқлар суммасидан ошмаслиги керак.

8. Даврий божхона тўловларининг тўланган суммалари:

четдан вақтинчалик олиб келинган товарлар қайта экспорт қилинганда ёхуд улар бошқача божхона режимларига қўйилганда қайтарилмайди;

ушбу товарларни эркин муомала учун чиқаришнинг божхона режимига қўйишда тўланадиган божхона тўловлари суммасига ҳисоблаб қўшилади.

9. Агар даврий божхона тўловларининг тўланган суммаси тўланиши керак бўлган суммага тенг бўлса, четдан вақтинчалик олиб келинган товарлар божхона режимига қўйилган кунда эркин муомалага чиқарилганда, ушбу товарларга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган иқтисодий сиёсат чора-тадбирлари қўлланмаганда ёхуд товарлар четдан вақтинчалик олиб келишнинг божхона режимига қўйилган кунда қўлланган ушбу чора-тадбирлар бекор қилинганда товарлар эркин муомала учун чиқарилган деб ҳисобланади.

10. Даврий божхона тўловларининг тўланиши учун четдан вақтинчалик олиб келишга рухсат олган шахс ёки товарлар унга ушбу Қоидаларнинг 4-бандига мувофиқ берилган шахс жавоб беради.

11. Четдан олиб келиш божхона режими товарларни эркин муомала учун чиқариш билан яқунланган тақдирда товарларнинг божхона қиймати ва миқдори товарлар четдан вақтинчалик олиб келишнинг божхона режимига қўйилган кунда, божхона божлари ва солиқлар ставкалари эса — товарлар эркин муомала учун чиқарилган кунда белгиланади. Декларант нормал ташиш, сақлаш ва фойдаланиш шариоитларида эскириши ёки табиий равишда камайиши оқибатида, шунингдек авариялар оқибатида ёки енгиб бўлмайдиган куч таъсирида юз берган товарларнинг божхона қийматини ва (ёки) уларнинг миқдорини камайитиришга ҳақлидир. Товарларнинг божхона қийматини ва (ёки) уларнинг миқдорини ўзгартириш, агар декларант божхона органига ишончли ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотни тақдим этса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Товарларни эркин муомала учун чиқаришда тўланадиган божхона божлари ва солиқлар суммасини белгилашда даврий божхона тўловларининг тўланган суммалари ҳисобга олинади.

Даврий божхона тўловлари қўлланган товарларни эркин муомала учун чиқаришда уларни қўлланиш даври учун, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, агар ушбу суммаларга нисбатан даврий божхона тўловлари қўлланган кундан бошлаб тўлов муддати узайтирилган бўлса тўланиши керак бўлган божхона божлари ва солиқлардан фоизлар тўланади, ушбу Қоидаларнинг 9-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

IV. Яқуний қоидалар

12. Четдан вақтинчалик олиб келинган товарлар мазкур товарларни божхонада расмийлаштиришни амалга оширган божхона органи фаолияти зонасидан бошқа божхона органи фаолият зонасига уч ой ва ундан кўп муддатга ўтказилган тақдирда четдан вақтинчалик олиб келишга рухсатнома олган шахс ёки товарлар ушбу Қоидаларнинг 4-бандига мувофиқ ўзига берилган бошқа шахс кўрсатиб ўтилган товарларни божхонада расмийлаштиришни амалга оширган божхона органини то-

варларни бошқа божхона органи фаолият зонасига олиб кетиш нияти тўғрисида хабардор қилиши керак.

Хабардор қилиш ёзма шаклда, четдан вақтинчалик олиб келинган товарларнинг турган жойи ва муддатини кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

13. Четдан вақтинчалик олиб келинган товарлар божхона режимининг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тўхтатиб турилади:

четдан вақтинчалик олиб келинган товарларга арест белгиланганда ёки улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб қўйилганда;

даврий божхона тўловлари қўлланган четдан вақтинчалик олиб келинган товарлар уларни эркин муомала учун чиқаришни назарда тутмайдиган бошқа божхона режимларига қўйилган тақдирда четдан вақтинчалик олиб келишга рухсатнома олган шахснинг илтимосига биноан;

ушбу Қоидалар 5-бандининг (б), (в) ва (д) кичик бандларида кўрсатилган четдан вақтинчалик олиб келинган товарлар қайта олиб чиқиб кетилганда.

Четдан вақтинчалик олиб келиш режимининг амал қилиши тўхтатиб турилган давр учун даврий божхона тўловлари ҳисоблаб ёзилмайди ва тўланмайди.

Тўхтатиб туриш учун асос бўлган факт ёки ходисалар тугагандан кейин четдан вақтинчалик олиб келиш божхона режимининг амал қилиши тикланади.

14. Четдан вақтинчалик олиб келишга рухсатномалар бериш, четдан вақтинчалик олиб келинган товарларга нисбатан даврий божхона тўловларини қўлланиш, уларни четдан вақтинчалик олиб келиш муддатини узайтириш ва фойдаланиш учун бошқа шахсга бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

15. Ушбу Қоидаларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш қоидаларига
ИЛОВА

Божхона божлари ва солиқларидан тўлиқ озод этилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига четдан вақтинчалик олиб келинадиган товарлар рўйхати

I. Ташқи иқтисодий фаолиятга кўмаклашишга мўлжалланган товарлар

1. Кўргазмалар, ярмаркалар, халқаро учрашувларда ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларда намоёиш қилишга мўлжалланган товарлар (четдан олиб келинган товарларни сотиш мақсадида ўтказиладиган ишлаб чиқариш фаолияти ёки бошқа тижорат фаолияти амалга ошириладиган жойлардаги кўргазмалардан ташқари), шунингдек ушбу тадбирларда фойдаланиш учун мўлжалланган ёрдамчи асбоб-ускуналар ва материаллар.

2. Фақат мана шундай типдаги товарларга буюртмалар олиш мақсадлари учун мўлжалланган ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун яроқсиз бўлган товарларнинг намуналари, бу уларга ўчирилмайдиган маркировкалаш, ёриқлар, тешиклар ўйиш ёки бошқа усул билан шикаст етказиш йўли билан таъминланади, ҳар бир

тип, марка, модель, артикуль, фасон, бўяш ва хоказоларнинг товар намуналари, 2 нусхасидан ортиқ бўлмайди.

3. Хорижий шахслар томонидан олиб келинадиган реклама материаллари (каталоглар, прейскурантлар ва тижорат проспектилари, моделлар, плакатлар, планшетлар, рисоалар) — агар ҳар бир олувчи учун ушбу материаллар 2 нусхадан ортиқ олиб келинмаса ёхуд уларнинг умумий брутто оғирлиги 50 килограммдан ортиқ бўлмаса.

4. Реклама фильмлари, шунингдек товарларнинг хоссалари ёки вазифасини очиб берувчи реклама учун мўлжалланган компьютерда ташиладиган ахборот — агар ушбу фильмлар ва ахборот ташувчилар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса, хорижий шахс томонидан таклиф этилаётган хорижий товарларга тегишли бўлса, фақат товарларнинг эҳтимол тутилган сотиб олувчиларига кўрсатиш учун мўлжалланган бўлса, бир нусхада олиб келинса ва улардан фойдаланиш даромад олиш мақсадини кўзламаса.

5. Синовлар, текширишлар, экспериментлар ўтказиш ҳамда хоссалари ва тавсифларини кўрсатиш учун мўлжалланган товарлар — агар улардан фойдаланиш даромад олиш мақсадини кўзламаган тақдирда.

6. Касб асбоб-ускуналари (саноат ишлаб чиқариши, товарларни ўраш ёки табиат ресурсларидан фойдаланиш, ер ишларини бажариш, бинолар, иморатлар, иншоотлар қуриш ва таъмирлаш ҳамда шунга ўхшаш ишларни бажариш учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналардан ташқари) ва инструментлар (шу жумладан ёрдамчи аппаратлар ва анжомлар) — агар четдан вақтинча олиб келинган касб асбоб-ускуналари ва инструментлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса, улар томонидан олиб келинса ва уларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аниқ ишни бажариш учун зарур бўлса.

7. Ишлаб чиқариш кооперацияси доирасида четдан олиб келинадиган чизмалар, режалар, моделлар, штамплар, матрицалар, клишелар, босма шакллар ва шунга ўхшаш бошқа буюмлар, назорат-ўлчаш асбоблари ва инструментлар — агар кўрсатиб ўтилган товарлардан асосан экспортга мўлжалланган товарларни ишлаб чиқариш муносабати билан фойдаланилса, хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса, бироқ Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса.

II. Фан, маданият, кинематография, спорт ва туризм соҳасида халқаро алоқаларга кўмаклашиш учун мўлжалланган товарлар

8. Маданият ва кинематография соҳаларида илмий-тадқиқот, таълим мақсадлари учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналар (шу жумладан реставрация асбоб-ускуналари) ва материаллар, четдан вақтинча олиб келинган асбоб-ускуналар ва материалларни, анжомларни таъмирлашга мўлжалланган эҳтиёт қисмлар, шунингдек бундай асбоб-ускуналар ва материалларни созлаш, назорат қилиш ва таъмирлаш учун мўлжалланган инструментлар — агар четдан вақтинча олиб келинган асбоб-ускуналар, материаллар, эҳтиёт қисмлар, анжомлар ва инструментлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса ва улардан фойдаланиш даромад олиш мақсадини кўзламаса.

9. Кинога олиш, томошалар, спектакллар ва шунга ўхшаш тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган, маданият муассасалари, кинематография ташкилотларига вақтинча фойдаланиш учун текин бериладиган театр (цирк, кино) костюмлари, сахна асбоб-ускуналари, партитура, мусиқа асбоблари ва бошқа театр (цирк) реквизити.

10. Кино ва видеофильмлар, слайдлар, фотосуратлар, плакатлар, кино ва видеофильмларнинг монтаж ва мулоқотли саҳифалари ҳамда фото ва кинотанловларда, кинофестивалларда, киноафталикларида ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларда намойиш қилиш учун тасвир ёзилган бошқа ахборот ташувчилар — агар бундай товарлардан фойдаланиш даромад олиш мақсадини кўзламаса.

11. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида спорт мусобақалари, кўргазмали спорт тадбирлари ёки машқлар ўтказиш учун мўлжалланган товарлар — агар бундай товарлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса ва уларнинг вазифасига мувофиқ миқдорда олиб келинса.

12. Курорт иши ва туризм бўйича таништириш материаллари — агар четдан вақтинча олиб келинган материаллар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса ва уларнинг вазифасига мувофиқ миқдорда олиб келинса.

13. Маданият бойликлари (санъат асарлари, коллекциялаш ва антиквариат буюмлари бўлган товарлар, шунингдек олиб чиқиб кетилиши ва олиб келиниши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган бошқа товарлар), — агар бундай товарлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса.

14. Таълим, фан ва маданият билан боғлиқ бўлган китоблар, даврий нашрлар, материаллар ва ҳужжатлар (шу жумладан уларнинг босма усулдан бошқа усулда кўпайтирилганлари), — агар бундай товарлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса.

III. Халқаро ёрдам кўрсатишга мўлжалланган товарлар

15. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ва (ёки) ўқ-дорилар ва атом энергетикасини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва утилизация қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширадиган, атом энергиясидан фойдаланишнинг давлат бошқарувини амалга оширадиган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган ҳолларда ушбу соҳада ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштирадиган бошқа ваколатли органнинг сабаблари кўрсатилган тақдимномаси бўйича вақтинча фойдаланиш учун давлат органлари ва давлат муассасаларига текин бериладиган, хорижий шахс томонидан олиб келинадиган табиий ва техноген хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун мўлжалланган товарлар, шу жумладан транспорт воситалари, — агар четдан вақтинча олиб келинган товарлар ва транспорт воситалари хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса, шу жумладан:

транспорт воситалари билан бирга олиб келинадиган ёнилғи-мойлаш материаллари, сув, ишлаб чиқарувчи томонидан назарда тутилган конструктив идишлардаги бошқа суюқликлар, эҳтиёт қисмлар, кўрсатиб ўтилган транспорт воситаларининг одатдаги анжомлари ва аслаҳалари, шу жумладан юклар, контейнерлар ва бошқа транспорт асбоб-ускунасини юклаш, тушириш, ишлов бериш ва ҳимоя қилиш учун махсус асбоб-ускуна, агар бундай транспорт воситалари хорижий давлат ҳудудида рўйхатдан ўтказилган бўлса, хорижий шахс томонидан олиб кирилса;

товарларни транспортда ташиш, ер қазииш ишлари, бинолар, иморатлар ва иншоотларни қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш ва шунга ўхшаш ишларни бажариш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар ва инструментлар, шу жумладан ёрдамчи аппаратлар, агрегатлар, эҳтиёт қисмлар ва анжомлар.

16. Қутқариш, даволаш муассасаларига ҳамда бошқа тиббиёт муассасалари ва ташкилотларига вақтинча фойдаланиш учун текин бериладиган қутқариш, тиббиёт

ва лаборатория асбоб-ускунаси — агар четдан вақтинча олиб келинган асбоб-ускуна ушбу муассасалар ва ташкилотлар томонидан мурувват, қутқарув, ташхис қўйиш ёки даволаш мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса, хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса ва уни етказиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига қўра амалга оширилса.

IV. Бошқа товарлар

17. Хорижий ҳаво кемалари экипажларининг ижтимоий-маиший ҳаёт шароитларини таъминлаш ва уларнинг маданият, таълим, дам олиш, дин ва спорт соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган товарлар — агар четдан вақтинча олиб келинган товарлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса ва улардан фойдаланиш даромад олиш мақсадини кўзламаса.

18. Профессионал кинематография асбоб-ускунаси, матбуот, радио ёки телевидение жиҳози, кўрсатиб ўтилган асбоб-ускуналарга ёрдамчи қурилмалар ва анжомлар — агар четдан вақтинчалик олиб келинган профессионал асбоб-ускуналар, қурилмалар ва анжомлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса, улар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аниқ ишни бажариш учун зарур бўлса.

19. Боқиш, ўргатиш, урчитиш, ветеринария йўли билан даволаш, синовлар ўтказиш, туристик тадбирлар, гуманитар ва қутқариш операциялари, махсус функцияларни амалга ошириш (милиция отлари ва итлари, изловчи кучуклар, кўзи ожизларни етаклаб юрадиган кучуклар ва бошқалар), кўргазмалар, танловлар, мусобақалар, намойишлар, спектакллар, томошалар ва шунга ўхшаш даромад олиш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларда иштирок этиш учун, шунингдек тиббиёт мақсадларида ва чегара ҳудудида фойдаланиш учун мўлжалланган иш моллари сифатида (тегишли жиҳозлар билан биргаликда) хорижий шахснинг мулки бўлиб қоладиган ҳайвонлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

373 Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари уюшмаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда монтаж ва махсус қурилиш ишларини бошқаришни янада эркинлаштириш, улар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ва корпоратив бошқарув нормалари ва принципларини кенг жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1-иловага мувофиқ монтаж, ихтисослаштирилган қурилиш, созлаш ва лойиҳалаштириш ташкилотларининг, металл конструкциялари тайёрловчи саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш тузилмаларининг Ўзбекистон монтаж ва махсус

қурилиш ишлари уюшмаси («Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси) таркибига уюшма қатнашчилари ҳуқуқи билан ихтиёрий равишда кириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси фаолияти ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принциплари асосида, 1-иловага мувофиқ унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ажратмалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилиши;

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси унинг таркибига кириш хоҳишини билдирган корхоналар ва ташкилотлар учун очиқ эканлиги, унинг қатнашчилари эса унинг таркибидан эркин чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эканлиги;

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси ижро этувчи органининг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари унинг қатнашчилари умумий йиғилиши томонидан белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмасининг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгилансин:

уюшма таркибига кирувчи монтаж, ихтисослаштирилган қурилиш, созлаш ва лойиҳалаштириш ташкилотларининг, саноат корхоналарининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, республика иқтисодиётининг юқори сифатли қурилиш маҳсулотига, юқори технологияли, махсус қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларига бўлган эҳтиёжи қондирилишини таъминлашга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

рақобатбардошли маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда, монтаж қилиш ҳамда асбоб-ускуналар, замонавий қурилиш технологияларидан фойдаланишнинг илғор тизимларини жорий этишда қўмаклашиш;

корхоналар ва ташкилотларга маркетинг тадқиқотлари ўтказишда, ишлаб чиқаришларни замонавийлаштириш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда қўмаклашиш;

уюшма таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;

тармоқ учун кадрлар тайёрлашни, уларни қайта тайёрлашни ва уларнинг ма-лакасини оширишни ташкил этишда ёрдам бериш.

4. «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси қатнашчилари томонидан белгиланган, ходимларнинг чекланган умумий сони 20 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 15 киши бўлган Уюшма ижро этувчи аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси раиси, зарурат бўлганда, ходимларнинг белгиланган сони доирасида Уюшма ижро этувчи аппарати тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси икки ой муддатда қатнашчиларнинг умумий йиғилишини ўтказсин, Уюшманинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқласин ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этсин.

6. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари («Ўзмонтажмахсусқурилиш») уюшмаси фаолиятини ташкил этиш масалалари» тўғрисида 1992 йил 6 ноябрдаги 513-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишни бошқариш ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 28 ноябрдаги 500-сон қарорига 7 ва 8-илловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Ф. Файзуллаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 18 август,
400-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 18 августдаги 400-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси таркибига қатнашчилар
ҳуқуқи билан кирувчи корхоналар ва ташкилотлар рўйхати**

I. Қурилиш, монтаж ва махсус қурилиш ишлари корхоналари

1. «93-Махсус трест» ОАЖ
2. «Ўзэлектрмонтаж» ОАЖ
3. «Пўлатқурилма» ОАЖ
4. «Сантехгазмонтажқурилиш трести» ОАЖ
5. «Саноатвентиляция» ОАЖ
6. «Сантехйиғиш» ОАЖ
7. «Портлатишсаноат» ОАЖ
8. «Махсусавтоматика» ОАЖ
9. «Автоматика» ОАЖ
10. «Қўқонқурилиш» ОАЖ
11. «Райтек» ЁАЖ
12. «Саноаталоқамонтаж» МЧЖ
13. «Тол-сервис» МЧЖ
14. «Иссиқликмонтаж» МЧЖ
15. «Агросантехгазмонтаж» ХБ
16. «Фарғонанефткимёмонтаж» МЧЖ
17. «Нефтзаводмонтаж» МЧЖ
18. «Ал-меъмор» МЧЖ
19. «Махсуссантехгазмонтаж» МЧЖ
20. «Фируз-лак» МЧЖ
21. «Гидроизолсинтез» ХФ
22. «Элеком» ХФ
23. «Қурилишмонтаж» ХФ
24. «Бинокор» саноат-қурилиш компанияси» МЧЖ

II. Саноат корхоналари ва ташкилотлари

25. «Енгил металл қурилмалари заводи» ОАЖ
26. «Тўйтепа металл қурилмалари заводи» ОАЖ
27. «Сантехника жиҳозлари заводи» ОАЖ
28. «Тошкент қувур заводи ҚК» МЧЖ
29. «Машсаноатқурилиш» МЧЖ
30. «Вент-кон» ХФ
31. «Китоб ҚК» МЧЖ
32. «Агрокерамика ҚК» МЧЖ
33. «Пульс – Бах ҚК» МЧЖ

34. «Джан пласт ҚК» МЧЖ
35. «Осиё – ваер ҚК» МЧЖ
36. «Велизол ҚК» МЧЖ
37. «RIGGER GLASS ҚК» МЧЖ
38. «Бойлер корпорейшн ҚК» МЧЖ
39. «Темир инжиниринг ҚК» МЧЖ

III. Лойиҳалаш ташкилотлари

40. «Монтажлойиҳа ЛТИ» МЧЖ

IV. Ишлаб чиқариш-техник бутлаш корхоналари

41. «Ўзтаъминбутлаш» ОАЖ

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюмси ижро этувчи апаратининг тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони— 20 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари— 15 киши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

374 Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида» 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 2 июлдаги 310-сон қарорининг 4-бандини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида» 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарорига 1-иловага куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1. 1—3-бандлар чиқариб ташлансин.

2. 4-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Синфлардаги (синф-комплектлардаги) ўқувчилар сони 15 нафаргача бўлган кам комплектланган мактабларда синф раҳбарлиги ва дафтар текширганлик учун Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 2 июлдаги 310-сон қарори 1-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошида назарда тутилган тегишли қўшимча ҳақнинг 50 фоизи миқдориди ҳақ тўланади».

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 18 август,
401-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

375 «Файз» холдинг компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда республика мебель саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Файз» холдинг компанияси таркибига 1-иловага мувофиқ ёғочни қайта ишлаш ва мебель саноати корхоналари, шунингдек уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар кириши маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

2. Қўйидагилар «Файз» холдинг компаниясининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

мебель маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорлари маркетингини ўтказиш, мебель ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг ҳамда юқори сифатли, рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

компания корхоналарида ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш юзасидан ягона техника сиёсатини амалга ошириш, замонавий, юқори унумли техника ва технологияларни жорий этиш, ушбу мақсадларда хорижий инвестицияларни кенг жорий этиш, қўшма корхоналар ташкил этиш;

тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш, маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтириш, халқаро кўرғазма ва ярмаркаларда фаол қатнашиш;

мебель саноати корхоналарининг материалларнинг асосий турлари, бутловчи буюмлар ва фурнитураларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш бўйича ўз хом ашё базасини яратиш учун мебель ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни, шу жумладан хорижий инвесторларни жалб қилиш ҳисобига чуқурлаштириш;

кадрларни, шу жумладан етакчи чет эл фирма ва компанияларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

3. «Файз» холдинг компаниясининг ходимларнинг чекланган умумий сони 26 кишидан, шу жумладан бошқарув ходимлари — 21 кишидан иборат бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг «ЎзЭллас» қўшма корхонаси ҳамда «Шаҳрисабзмебель» акциядорлик жамияти корхоналари акцияларининг давлат пакетларини, улар тўлиқ сотилгунга қадар, ишончли бошқариш шартномаларини узайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. «Файз» холдинг компанияси икки ой муддатда компаниянинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқласин ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этсин.

6. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий саноатни бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 18 августдаги 405-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбоши;

Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро молия корпорациясининг «Файз» холдинг компаниясига инвестициялари тўғрисида» 1998 йил 7 октябрдаги 426-сон қарори 1-бандининг тўртинчи хатбоши;

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика мебель саноатини монополиядан чиқариш ва уни бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 20 июндаги 258-сон қарорининг 1—3,9 ва 10-бандлари ва ушбу қарорга 1, 3 ва 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.З. Усмонов зиммасига юклансин

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 19 август,
403-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 19 августдаги 403-сон қарорига
1-ИЛОВА

«Файз» холдинг компанияси таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар рўйхати


I. Ёғочни қайта ишлаш ва мебель ишлаб чиқариш корхоналари

1. «Файз» холдинг компанияси очиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси (бош корхона), Тошкент шаҳри
2. «Файз-Эмиратс Ферниче» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси, Тошкент шаҳри
3. «Файз-Явор» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси, Тошкент шаҳри
4. «Файзли ҳает» масъулияти чекланган жамият, Фарғона вилояти, Қува шаҳри
5. «Файзли-Бухоро» масъулияти чекланган жамият, Бухоро шаҳри
6. «Файзли-Бағдод» масъулияти чекланган жамият, Фарғона вилояти, Бағдод шаҳри
7. «Яккабоғ Файз-мебель» масъулияти чекланган жамият, Қашқадарё вилояти
8. «Файзли Хоразм» масъулияти чекланган жамият, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри
9. «Файз-Импект Ферниче» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри
10. «Файз Хомаг ГУС» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри
11. «Файзли ШАХ Азиз» масъулияти чекланган жамият, Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани
12. «Риштонмебель» акциядорлик жамияти, Фарғона вилояти, Риштон шаҳри
13. «Шамшод» масъулияти чекланган жамият, Фарғона вилояти, Бағдод шаҳри
14. «Файз Имал Систем» масъулияти чекланган жамият, Сирдарё вилояти, Сирдарё шаҳри

II. Ёрдамчи материаллар ишлаб чиқариш, маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш корхоналари

15. «Файз-Текстиль» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри
16. «Файз Жихаз» масъулияти чекланган ширкат, Қозоғистон Республикаси, Алматы шаҳри
17. «Файзли нон» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри
18. «Файз Метлитограф» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри
19. «Файз Мебель Саноат Савдо» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри
20. «Файзли оила» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри
21. «Файз Билдинг» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри
22. «Файз ЛТВ Текстиль» масъулияти чекланган жамият, Тошкент шаҳри

«Файз» холдинг компанияси ижро этувчи аппаратининг тузилмаси



БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

376 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сертификатланиши мажбурий бўлган товар (маҳсулот)ларни олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
16 августда 901-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 26 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги 318-сонли қарорига асосан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сертификатланиши мажбурий бўлган товар (маҳсулот)ларни олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2000 йил 26 февраль, рўйхат рақами 901 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси 2000 й., 5-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
Агентлиги Бош директори Р. БЎРИЕВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 28 июль,
10/8-сон

Давлат божхона қўмитаси Раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 июль,
01-02/16-31-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MEХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

377 Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш), юридик шахсларга хорижий ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалари бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
16 августда 1398-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 26 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги касб фаолияти тўғрисида» 408-сон ва 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 505-сон (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами 2003 йил, 11-сон, 117-модда) қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш), юридик шахсларга хорижий ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалари бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун тарифлари иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш (узайтириш), юридик шахсларга хорижий ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатномалар бериш (узайтириш) ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномалари бериш (узайтириш) учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳисоб рақамига ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

3. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўлов миқдорлари Адлия вазирлигида рўйхатга олингандан сўнг ўн кун муддат ичида чоп этсин ва барча манфаатдор шахсларга тарқатилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олингандан сўнг ўн кун муддатдан кейин кучга кирган деб ҳисоблансин.

* Илова рус тилидаги матнда бериллади.

5. Ушбу буйруқнинг бажарилиши бўйича назорат вазир ўринбосари А. Акбаров зиммасига юклатилсин.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Ташкент ш.,
2004 йил 4 август,
81-сон

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

378 Барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикасида қайта ишлаш (замонавийлаштириш), ишлаб чиқариш ва чет элдан олиб кириш учун радиочастота полосалари (номиналлар) ажратиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 августда 1399-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2004 йил 30 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастоталар спектри тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–3358-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. «Барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикасида қайта ишлаш (замонавийлаштириш), ишлаб чиқариш ва чет элдан олиб кириш учун радиочастота полосалари (номиналлар) ажратиш тартиби тўғрисида низом» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг ўн кундан кейин кучга кирган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу буйруқ кучга кирган кундан бошлаб амалда бўлган ЎзАПТнинг 1999 йил 28 июль 278-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида (1999 йил 20 июль 777-сон билан) рўйхатдан ўтган «Барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикасида қайта ишлаш (замонавийлаштириш), ишлаб чиқариш ва Ўзбекистон Республикасига чет элдан олиб кириш учун радиочастота полосаларини (номиналларини) ажратиш тартиби тўғрисида низом» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Бош директор ўринбосари А.Д. Хаджаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 19 июль,
209-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ (ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ) БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

379 Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
20 августда 1400-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 30 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 апрелдаги 210-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат») тўғрисидаги» низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Илова* қилинаётган «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари» тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 10 кун давомида амалга киритилсин.
3. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан бошлаб СССР энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг Бошэнергоназорати томонидан 1984 йил 21 декабрида тасдиқланган «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари» Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилмасин.
4. Мазкур буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиғи Б. ТЕШАБОЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 2 август,
271-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 14 августдан 20 августгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сертификатланиши мажбурий бўлган товар (маҳсулот)ларни олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 28 июлдаги 10/8, 01-02/16-31-сонли қарори.*

2004 йил 16 августда 901-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 августдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш), юридик шахсларга хорижий ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 4 августдаги 81-сон буйруғи.*

2004 йил 16 августда 1398-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 августдан кучга киради).

3. «Барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикасида қайта ишлаш (замонавийлаштириш), ишлаб чиқариш ва чет элдан олиб кириш учун радичастота полосалари (номиналлар) ажратиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 19 июлдаги 209-сон буйруғи.*

2004 йил 20 августда 1399-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 30 августдан кучга киради).

4. «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 2 августдаги 271-сон буйруғи.*

2004 йил 20 августда 1400-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 30 августдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикасида қайта ишлаш (замонавийлаштириш) ва ишлаб чиқариш ва Ўзбекистон Республикасига чет элдан олиб кириш учун радиочастота полосалари (номиналлар) ажратиш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланган (1999 йил 20 июль, рўйхат рақами 777).*

Адлия вазирининг 2004 йил 20 августдаги 183-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:

1. Ўзбекистон Республикасида экспорт маҳсулотлар сифатини текширишни ташкил этиш тартиби тўғрисида низом. *Ўзстандарт томонидан тасдиқланган.*

2. Экспорт маҳсулотлар сифатини назорат этувчи ишончли вакиллар тўғрисида низом. *Ўзстандарт томонидан тасдиқланган.*

Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳужжатлар сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.